

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳрири маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дијором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадониа
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Ағзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозогистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонқуловова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозогистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давлаталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллаҳон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аунасовна Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозогистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фарабий номидаги Қозогистон
Миллий университети, Қозогистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақили университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)

Талапов Баҳрийдин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Аиварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Яраш Ғаффоров

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....4

2. Жуммагул Абдураҳмонова, Улугбек Исмоилов

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....11

3. Жавлонбек Бегалиев

ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....18

4. Ҳамза Жўраев

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ
МАДАНИЙ ИНҶИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....24

5. Jahongir Inoyatov

JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY
YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....31

6. Жамшид Кўчаров

АМИР ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА
БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШКИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....37

7. Айгуль Раимова

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ВА ФАН.....45

8. Шоҳсанам Сулаймонова

ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....51

9. Солежон Тошев

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....57

10. Фарҳод Усманов

XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ
БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....63

11. Шуҳрат Құдратов

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ
БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....72

12. Сулаймон Ҳайдаров

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ.....78

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жуммагул Номазовна Абдурахмонова,

Тарих фанлари номзоди, доцент,

Тошкент вилояти Чирчик давлат

педагогика институти,

jummagulnamozovna9480@mail.ru

Улугбек Кўчкорович И smoилов,

ўқитувчи, Тошкент вилояти Чирчик давлат

педагогика институти,

iuq0787@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

For citation: Jummagul N. Abdurahmonova, Ulugbek K. Ismoilov. HISTORICAL ROOTS OF RELIGIOUS TOLERANCE IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.11-17



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган диний багриенгликнинг тарихан шаклланган илдизлари даврий кесимда, қиёсий таҳлилий асосда Ўзбекистон халқлари тарихи мисолида илмий таҳлил қилинган.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон худудида истиқомат қилаётган ва аҳолининг 5-6 % ташкил этувчи ислом динидан ўзга динларга эътиқод қилувчилар ва уларнинг диний эътиқодларини бемалол амалга оширишлари учун яратилган шарт-шароитлар, диний конфессиялар фаолияти ва ўзбек халқининг уларга кўрсатган инсонпарварлик ёрдами тадқиқ этилган

Калит сўзлар: оташпаратлик, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, шомонлик, Кўк Тангри, Мусулмонлар, Ислом, Сунний, Шиа, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, православлар, католиклар, насроний корейслар, баптистлар, лютеранлар, еттинчи кун адвентистлари, евангелистлар, Иегованинг Шоҳидлари, буддистлар, Баҳоийлар, Харе Кришналар ва атеистлар, Бухоро яхудийлари, виждан эркинлиги, конфессиялар.

Джуммагуль Номазовна Абдурахмонова,

Кандидат исторических наук, доцент,

Чирчикский государственный педагогический
институт Ташкентской области

jummagulnamozovna9480@mail.ru

Улугбек Кучкарович И smoилов,

преподаватель, Чирчикский государственный
педагогический институт Ташкентской области.

iuq0787@gmail.com

ИСТОРИЧЕСКИЕ КОРНИ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе сравнительного анализа на примере истории народов Узбекистана научно проанализированы исторически сложившиеся корни религиозной толерантности, которая впиталась в кровь узбекского народа.

Кроме того, в статье рассматриваются представители других немусульманских верований, проживающих на территории Узбекистана и составляющие 5-6% населения страны, и условия созданные для беспрепятственного осуществления ими их религиозных убеждений, деятельность религиозных конфессий и гуманизм, оказываемая им узбекским народом.

Ключевые слова: огнепоклонничество, зороастризм, буддизм, манихейство, шаманизм, Kok Tengri, мусульмане, Ислам, сунниты, шииты, Управление мусульман Узбекистана, православные, католики, корейцы христиане, баптисты, лютеране, адвентисты седьмого дня, евангелисты, свидетели Иеговы, буддисты, бахаи, Харе кришнаиты и атеисты, бухарские евреи, свобода совести, конфессии.

Jummagul N. Abdurahmonova,

Candidate of Historical Sciences,

Associate Professor,

Tashkent Region Chirchik State Pedagogical Institute

jumagulnamozovna9480@mail.ru

Ulugbek K. Ismoilov,

teacher, Tashkent region Chirchik

State Pedagogical Institute,

iuq0787@gmail.com

HISTORICAL ROOTS OF RELIGIOUS TOLERANCE IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

In the article, based on a comparative analysis on the example of the history of the peoples of Uzbekistan, the historical roots of religious tolerance, which was absorbed into the blood of the Uzbek people, are scientifically analyzed.

In addition, the article examines the representatives of other non-Muslim faiths living on the territory of Uzbekistan and making up 5-6% of the country's population, and the conditions created for the unhindered exercise of their religious beliefs, the activities of religious denominations and humanism provided to them by the Uzbek people.

Index Terms: fire worship, Zoroastrianism, Buddhism, Manichaeism, shamanism, Kok Tengri, Muslims, Islam, Sunnis, Shiites, Muslims Office of Uzbekistan, Orthodox Christians, Catholics, Koreans Christians, Baptists, Lutherans, Seventh-day Adventists, Evangelists, witnesses, Baha'is, Buddhists Hare Krishnaites and atheists, Bukharian Jews, freedom of conscience, confessions.

1. Долзарбилиги:

Ўзбекистон ҳудуди турли даврларда турли диний эътиқод ва тасаввурларга бешик бўлиб хизмат қилган. Оташпаратлик, зардуштийлик динлари учун шаклланиш ҳудуди бўлиб хизмат қилган бўлса, буддавийлик, Кўк тангри, шомонлик, монийлик, насронийлик ва айниқса исломнинг ривожланишлари ва кенг тарқалишида улкан хизмат қилган.

Тарихан маълумки, минтақамизда ҳукмронлик қилган ҳеч қайси маҳаллий давлат ҳудудида миллатлараро ёки динлараро можаролар содир бўлмаган. Бир пайтнинг ўзида минтақада оташпаратлик, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, шомонлик, Кўк Тангри,

аждодлар рухига тавоф қилиш каби динларга эътиқод қилувчилар ўзаро қўни-қўшни бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечирганлар.

Ўз вактида дунёнинг тўртдан бирини забт этган буюк саркарда Чингизхон ҳам ўз ворисларига барча дин вакилларига бир хил қўз билан қарашни васият қилган эди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллатлараро тотувлик, багрикенглик фазилатлари янада юксалди. Республикаизда амалга оширилаётган барқарор сиёsat туфайли миллатлараро муносабатлар янада такомиллашди. Миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда 20 га яқин диний конфессия, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Бундан ташқари республикаизда улар учун кенг миқёсдаги имкониятлар яратилган бўлиб, бунинг натижаси ўларок юртимизда 140 дан зиёд миллий маданий марказлари фаолият юритиб келмоқда [1].

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий услублар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари, синтез, хронологик усууллардан кенг фойдаланилган. Мавзуга оид илмий мақолалар ва тарихий асарларга асосланиб, дунё ахолисининг диний қарашлари ва дунёда турли дин, миллат вакиллари ўртасидаги содир бўлаётган зиддиятлар, ҳамда турли сабабларга кўра юртимизга келиб колган ва шу ерда қолиб, яшаб фаолият юритаётган ўзга миллат ва дин вакилларига давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, Ўзбекистон халқининг багрикенглиги, тинч-тотувлиги, тинчликсеварлиги, ҳукуматимиз томонидан бу борада олиб борилаётган оқилона сиёsatнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида юксак натижаларга эришаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Кўрсатилган йўналишдан келиб чиқсан ҳолда илмий мақолалар, тарихий асарлар ҳамда ОАВ маълумотлари асосида Ўзбекистон халқининг қон-конига сингиб кетган миллий ва диний багрикенглик тамойилларининг тарихий илдизлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари ҳақида таассуротларни яққол намоён қилиш учун далил ва фактларни асосли шакллантириш вазифалари кўйилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ер юзи ахолиси хозирги кунда етти миллиардлик довондан ошди. Улар таҳминан олти мингдан зиёд турли ҳил тиллар ва лаҳжаларда гаплашадилар. Ирқий жиҳатдан асосан учта йирик ирқ мавжуд бўлсада, аслида ирқлар аралашуви натижасида шаклланган йигирмага яқин ирқий гурухларга бўлинадилар. Иқтисодий-ижтимоий ҳолатига кўра ҳам одамлар энг бадавлатдан тортиб энг қашшоқларга бўлинади. Бу ҳолат кейинчалик сиёсий мавқеларни белгилаб беради.

Буларнинг ҳаммасидан фарқ қилувчи яна бир жиҳат бор – дин, эътиқод. Айнан диний эътиқод турли ирқ, тил, жинс, миллат, элат, ёш ва бошқаларни яхлит бир бутунга бирлаштира олади, ёхуд бир халқ, бир миллатни, кариндош-уругни бир-биридан бегона, душман ҳолатга олиб кела олади.

Дунёда миллий ва диний багрикенглик тамоилини бор экан, миллатлараро ва динлараро зиддиятларга йўл кўйилмайди. Зеро, ички зиддиятлар бор жамият ҳеч қачон бирлаша олмайди, ва алал-оқибат таназзулга юз тутади. Ҳозирги кундаги қуролли мажароларнинг аксарият қисми миллий ёки диний низо заминида вужудга келган ва келаяпти. Мисол учун, Болқон яриморолидаги православ, католик ҳамда ислом динига эътиқод қилувчи жанубий славян халқлари ўртасидаги ўзаро мажаролар, ва ҳоказолар.

Ҳозирги кунда жаҳонда, маълум бир давлат ҳудудида бир дин вакиллари яхлит қўпчиликни ташкил қиласалар ҳам, бошқа турли дин ва таълимот вакиллари ҳам биргаликда истиқомат қиладилар. Ушбу вазиятда давлатнинг олдига кўйилган асосий мақсади – бу турли миллат вакиллари, динлар ва таълимотларга эътиқод қилувчиларнинг ўзаро тинч-тотув, иноқ, баҳамжиҳат бўлиб истиқомат қилишлари ва бор куч ва шижаотларини ватан тараққиётига эришиш йўлида бирлаштириш – устувор вазифа сифатида ўрнатилган[2].

Ўзбекистон миллий қонунчилик тизими мамлакатда яшовчи барча 16 дин вакиллари учун тенг шароит яратмоқда. Конституция вијдон ва эътиқод эркинлигини кафолатлади, тегишли қонунчилик базаси барча фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратади, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг хукуклари ва манфаатларини таъминлайди ва шу асосда камситишларга қарши самарали курашади [3].

Жуғрофий жиҳатдан Тошкент воҳаси Моварауннаҳрдан ташқарида, Сирдарёнинг ўнг қиргогида, Даشتி Қипчоқ билан чегара ҳудудда жойлашган. Қадимдан аҳоли ўтрок дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, чорвачилик билан шугулланиб келган. Буюк Ипак йўлининг шимолий ва жанубий тармоқлари кесишган, ҳамда ўтрок зироаткор ва кўчманчи чорвадор ҳалқлар ерлари туташган жойда жойлашганлиги Тошкент воҳасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг гуллаб яшнаши, турли миллатлар ва диний таълимотлар билан яқиндан танишишга имкон яратган. Бунинг натижасида минтақада турли элат ва қабилалар кўчиб келиб ўрнашган. Уларнинг номлари топоним, гидроним ва ҳоказолар тархида ҳозиргacha етиб келган. Мисол учун, Сергели, Бука, Дўрмон, Сагбон, Қорасарой, Яккасарой ва ҳоказолар. Ўз ўрнида, милоддан аввалги I минг йилликдан милодий VII-VIII асрлар мобайнида, гарб ва жануби-гарбдан оташпастлик, зардустийлик, буддавийлик, монийлик, несторианлик, шимолдан эса шомонлик, Кўк Тангри, аждодлар руҳига тавоғ қилиш каби турли диний таълимотлар ҳам кириб кела бошлаган. Тошкент воҳаси баъзилари учун ватан, макон вазифасини ўтаган бўлса, бошқалари учун эса шаклланиб, ривожланиб кўшни ҳудудларга кенг ёйилиш учун дарвоза бўлиб хизмат қилган.

Халқимизга хос диний багрикенглик анъаналари чукур тарихий илдизларга эга. Илмий манбаларда таъкидланишича, Ўзбекистон илк диний тасаввурлар ва қарашлар вужудга келган дунёдаги энг қадими жойлардан бири хисобланади. Бу ҳақида 1938 йилда археолог Окладников томонидан тадқиқ этилган Сурхондарё вилояти Бойсун тогларида жойлашган Тешик-Тош горидан топилган 8-9 ёшли неандертал боласига тегишли бўлган қадими мозор ҳам тасдиқлайди [4]. Шунингдек француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда Сурхондарёдаги Қора-тепа, Фаёз-тепа, Даљверзинтепа, Самарқандаги Афросиёб ҳаробаларида олиб борилган қазишма ишлари натижасида кўлга киритилган барельеф суратлари, ибодатхоналар қолдиклари, будда ҳайкаллари, танга, муҳр ва бошқа топилмалар минтақада бир пайтнинг ўзида ўнга яқин диний таълимот вакиллари ўзаро қўни-қўшни, кон-қариндош бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечиргандаридан далолат беради.

Қадим замонлардан буён зардустийлик, буддизм, яхудийлик бизнинг заминимизда мавжуд бўлиб, кейинчалик мураккаб мафкуравий тизимларга айланди. Аксарият мутахассислар Марказий Осиёни, аникроги Хоразмни дунёдаги илк якка Худолик таълимоти – зардустийликнинг ватани деб билишади. Зардустийликнинг асосини нарсаларнинг дуализми мавжудлиги гояси ташкил этади. Яъни, эзгулик ва ёвузлик кучларининг мунтазам кураши, оқибатда эзгулик кучларининг галаба қозониши, жаннат ва дузах ҳақидаги тушунчалар, чанват кўприги, олтин аср ҳақида тасаввурлар ва ҳоказолар. Ушбу қоида ва таълимотлар кейинчалик вужудга келган якка Худолик таълимотлари яхудийлик, насронийлик ҳамда ислом дини таълимотларида ҳам ўз ифодасини топди [5].

Худди шу даврда буддизм Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган. Илк ўрта асрларда минтақага Суриядан Эрон орқали несториан насронийлиги кириб келди ва муҳим мавқега эга бўлди. Несторианликга Ийсо Масийхнинг шогирдларидан бири Несторий асос солган бўлиб, Римда ва Византияда тарқалган насронийлик таълимотидан Ийсо Масийхни Худо ёки Худонинг ўғли деб эмас, балки Худонинг элчиси, пайгамбари деб эътиқод қилиниши билан фарқ қилган. Шу сабабли ушбу диний таълимот бут Марказий Осиё бўйлаб кенг тарқалган. Самарқандда VI асрнинг бошларида несториан епископи хизмат кўрсатган бўлса, VIII асрда несториан метрополити фаолият юритган [6].

Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёда исломгача бўлган якка худолик гояси мустақил асосга эга эди. Фарбий Турк Ҳоқонлигига Ҳоқон тузуми даврида (552-576) муқаддас осмон-Олий Куч маъносига "Тангри", "Худо", "Кудай", "Эгам" сўзлари ишлатилган [7].

Яратган зотни мазкур номлар билан аташ Марказий Осиё халқлари тилида шу қадар мустаҳкам ўрнашганки, кейинчалик, бу ерда Ислом дини тарқалганидан кейин ҳам, асрлар мобайнида маҳаллий халқлар Аллоҳни “Тангри”, “Худо”, “Кудай”, “Эгам” деб аташда давом этган. Ушбу ҳодиса ҳозирги вақтда ҳам одатий холат хисобланади. Умуман олганда, Исломгача бўлган даврда Марказий Осиёда 10 дан ортиқ турли динлар мавжуд эди, деган илмий фараз мавжуд.

VIII асрда. Ўрта Осиёни араблар томонидан забт этилиши натижасида минтақада исломлаштириш бошланди. Аҳолининг бир қисми қадимий диний таълимотларга эътиқод қилишда давом этди.

Юртимизда тавҳидни қабул қилиш учун яхши асоснинг мавжудлиги Марказий Осиё халқлари томонидан Ислом динини тан олишга асос бўлди. Бу ерда Ислом ва маҳаллий динлар қадриятлари, маросимлари ва урф-одатларининг уйғунлашуви юз берди. Марказий Осиё халқлари Ислом динига маҳаллий диний ва ахлоқий гояларни, хукуқий нормалар ва урф-одатларни киритдилар. Бу нарса Моварауннаҳрда ислом динининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади.

Х асрда ҳозирги Ўзбекистон республикаси ҳудудида, Ислом динининг Имоми Аъзам асос солган, ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенглиги, тинчликсеварлиги билан ажралиб турувчи Ҳанафия мактаби таълимоти кенг тарқалиши тасодифий ҳодиса эмас эди.

Ўтган замонларнинг энг яхши ютуқларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон маданияти, ўз навбатида, нафақат Ислом маданиятининг кейинги ривожланишига, балки Фарбий Европа Уйгониш даврига, жаҳон миқёсида бағрикенглик тамойилларини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатди. Шунинг учун буюк аждодларимизнинг илмий, маданий, маърифий ютуқлари нафақат ислом олами, балки бутун жаҳон халқлари маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу даврда яратилган Имом ал Бухорий қаламига мансуб «аль-Жомеъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами, анъанавий сунний тўпламлар орасида энг муқаммали деб унинг замондошлари томонидан эътироф этилган. Айни пайтда ҳам бутун дунёдаги мусулмонларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб қолмоқда эди. Ушбу китобда диний низолар, қарама-қаршиликларни содир этиш учун асос бўлиши мумкин бўлган гояларнинг йўқлиги мамлакатимиз тарихида бағрикенглик тамойиллари доимо устун бўлганлигини кўрсатади.

Ўша пайтларда мавжуд бўлган бағрикенглик гоя, тамойилларининг устуворлиги диний ва дунёвий фанлар билан шугулланган буюк алломаларнинг ҳамоҳанг равища ижод қилишларига имкон берди. Мисол учун, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Махмуд аз-Замахшарий, Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино каби диний ва дунёвий илмларининг етук билимдонлари бир макон ва замонда яшаб ижод килганлар.

VIII асрда мўғуллар истилоси минтақада Ислом динининг кейинги ривожланиши жараёнига ўзига хос таъсир кўрсатди. Ўша пайтгача шаклланган сўфийлик оқимлари халқни сўфийларнинг ғайри мусулмон босқинчиларига қарши бирлаштирувчи омилга айланди ва кейинчалик сарбадорлар ҳаракатида фаол иштирок этди. Хоразмлик шайх Нажмиддин Кубро, Кубровия тариқатининг асосчиси ёш 76 ёшида Урганч мудофааси учун муғуллар билан бўлган жангда шахид бўлган.

Айнан шундай диний муҳитда буюк Амир Темур дунёга келди. Темурийлар хукмронлиги даврида Ислом муҳим аҳамият касб эта бошлади

Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий хаётидаги ўрни. Амир Темур ўзининг “Тузуки”сида куйидагиларни ёзди: “Мен Аллоҳнинг динига ва Муҳаммаднинг шариатига имконим борича ёрдам бердим”. У Исломни ақидапарастликдан холи, умуминсоний дин деб тушунган. Айнан унинг тушунчаси унга эридаги бошқа диний имтиёзлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга ёрдам берди. Бу жиҳатнинг муҳимлигини ажратиб кўрсатган ҳолда, кирол Карл VI Темурга куйидагиларни ёзди: “Сизга кўплаб насронийларга кўрсатган ғамхўрлик, хурмат – иззат, эътибор ва марҳаматлар учун миннатдорчилигимни билдираман. Биз, ўз навбатида, сизнинг ёрдамингизга билан, сизнинг халқингиз манфаатлари учун хизмат қилишга тайёрмиз”.

Амир Темур Европа давлатларига юборган элчиси архиепископ Иоанн ўзининг «Memoir sur Tamerlan et sa cour» китобида Амир Темур шахсига қуидагича таъриф беради "Тимур чет эллик, айниқса француз ва насроний савдогарларини яхши қабул қилади, бутун мамлакат бўйлаб уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаб, гамхурлик қилади ва зарур ёрдамни аямайди".

Айнан шу баёнот "Темур тузуклари" ни француз тилига таржима қилган Лянглуга "тарихга нотўғри изоҳ бериш Амир Темур шахсини тўғри талқин қилиш, идрок этиш ва баҳолашга тўсқинлик қилди", деб ёзишга имкон берди.

Халқимиз тарихида турли миллат ва динлар вакилларининг тинч-тотув яшашлари ва ҳамкорлик қилишлари, уларнинг бағрикенглиги, тинчлиги ва ҳамжиҳатлиги мисоллари жуда кўп. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳудудида ҳеч қачон диний мажаролар бўлмаган. Исломий, насроний ва яхудий диний жамоалари ўртасидаги алоқаларда илиқ муносабатларни кўриш мумкин. Ушбу муносабатларга берилган баҳо сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуидагиларни таъкидлайди: "Ўзбекистон заминида мусулмонлар ва насронийларнинг биргаликдаги ҳаёти диний ва маънавий тотувликнинг нодир белгиси ва бошқа барча динлар вакиллари учун бағрикенгликнинг энг яхши намунаси".

Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакат бўлиб, у ерда турли миллат ва миллат вакиллари тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшайдилар. «Сўнгги йиллардаги энг катта бойлиқ, - таъкидлайди И. А. Каримов, - бу бизнинг умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Ушбу қадрият ва унинг доимий аҳамиятини англаш халқимиз онгидга ҳар куни ўсиб бормоқда».

Халқимизга хос диний бағрикенглик анъаналари чукур тарихий илдизларга эга. Мустақил Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги сиёсати ҳам ушбу анъаналарни мустаҳкамлашга ва уларни мазмунан бойитишга хизмат қилмоқда.

Диний ташкилотлар билан муносабатларда давлат дунёвий бўлиб, қуидаги тамойилларга амал қилади:

- Биринчидан, диндорларнинг диний ҳис-туёғуларини хурмат қилиш, диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки уларнинг ҳукуқий бирлашмаларининг шахсий иши сифатида тан олиш.
- Иккинчидан, диний эътиқодга эътиқод қилаётган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқароларнинг тенг ҳукуқлилиги ва таъкиб қилинишига йўл қўйилмаслигини кафолатлаш.
- Учинчидан, маънавий тикланиш, умумбашарий инсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш масалаларида ўз имкониятларидан фойдаланиш учун турли диний бирлашмалар билан мулоқотни излаш зарурати.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида виждан эркинлиги, диний маросимларни тўсиқсиз бажариш имконияти, ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки умуман ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳукуки кафолатланган.

1991 йил 14 июнда мамлакат юридик амалиётида "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги қонун қабул қилинди. Ушбу ҳукуқий ҳужжатлар асосида давлат диний раҳбарларнинг диний ишларига аралашмасдан виждан эркинлиги учун имконият яратади. Энг юқори фазилатларга эга инсонни тарбиялашда диннинг аҳамияти ва зарурияти эътироф этилди. Шу билан бирга, давлат динларнинг сиёсийлашувига, ҳамда экстремистик ва фундаменталистик харакатларнинг пайдо бўлиши. йўл қўймаслик чораларини кўради [8].

Диний раҳбарлар тотувлик, хотиржамлик ва ўзаро хурматни ўрнатишга ёрдам беришлари мумкин. Бизнинг минтақамида, Тошкент шаҳрида "Бир осмон остида" шиори остида халқаро мусулмон-насроний конференциясини ўtkазиш фикримизнинг тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз билан ҳамкорликда Россия православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганлигининг 125 йиллигини тантанали равиша нишонлади [9].

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг таклифига биноан Марказий Осиёга биринчи марта ташриф буюрган Москва ва Бутун Россия Патриархати Алексей II иштирок этди. У ўз нутқида қуидагиларни айтди: "Ўйлайманки, Ўзбекистондаги

давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги яхши ҳамкорлик ва самарали алоқалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа республикалари учун яхши намуна бўлади". 2008 йил декабр ойида пойтахтимизда евангелист-Лютеран черковининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

4. Ҳулосалар:

Ҳулоса сифатида айтишимиз мумкинки, мустақиллик йилларида минтақамиз халқлари ўртасида асрлар давомида мавжуд бўлган ҳамкорлик, ҳамдўстлик, миллатларапо тотувлик ва диний багрикенглик ўзига хос мазмун касб этди. Бу, шунингдек, кўп миллатли ва кўп конфесияли мамлакатимиз ҳудудида давлатимизнинг ҳар бир фуқаросига, ирқи, миллати, дин ва она тилидан қатъи назар, тенг муносабатда бўлишини тасдиқлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 га яқин конфесия мансуб 2000 дан ортиқ диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Аксарият қисми мусулмон ташкилотлари. Мустақиллик йилларида юзлаб черковлар, ибодатхоналар ва ибодат уйлари қурилиб, қайта тикланди [10].

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда миллатларапо ва динлараро муносабатларда янги босқични очди. Ушбу даврнинг энг муҳим ютуги ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг қалитига айланган тинчлик ва барқарорликдир.

Конфессионал маънода Ўзбекистон ноёб давлатdir. Кўп миллатли халқимиз орасида дунёдаги барча динларнинг вакиллари бор. Ўзбекистон динлараро мулоқот ва ҳамкорликнинг ноёб тажрибасига эга. Кўп асрлар давомида республикада жаҳон динларига эътиқод қилувчилар билан бир қаторда кўплаб анъанавий миллий динларнинг вакиллари тинчлик ва тотувликда яшайдилар. Ушбу тенденциялар мустақил Ўзбекистон ташкил топган дастлабки қунларданоқ мамлакат қонунчилиги томонидан тасдиқланди. Бундай сиёсатнинг хукуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва унинг асосида яратилган қонунчилик базасида мустаҳкамланган. Аввало, бу 1991 йилда қабул қилинган, 1998 йилда янгидан таҳrir қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги қонуннинг моддалари бўлиб, унда мамлакат тараққиётининг дунёвий йўли баён этилган ва Ўзбекистондаги дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажralиб чиққанлиги кўрсатилган. Ушбу қонун минтақадаги турли хил динларнинг тарихий жиҳатдан тинч-тотув бирга яшашининг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда миллатларапо ва динлараро тотувликни сақлаб қолиш учун динлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни белгилайди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Abdurahmanova J.N. (2018) Tolerance of Uzbeks to the Greek Diaspora (1949–2018). Tolerance as a tool for developing mutual trust Proceedings of the International Scientific Conference. Volume - 1, -p.3.
2. Ismoilov U.K (2020). Tsarist Russia's resettlement policy in Turkestan. International scientific-practical conference on universal and national values on the Great Silk Road: language, education and culture. 298.
3. Ismoilov U.K (2020) Democratic reforms in Uzbekistan and religious tolerance of our people. Looking history, 10 (3), -p. 11-18.
4. National Encyclopedia of Uzbekistan, Volume I. The letter T. Toshkent 2000 y
5. Boys M. Zoroastrians. Beliefs and customs. M.: The main editorial office of Eastern literature of the publishing house «Nauka», 1988.
6. Barthold V.V. Muslim news about chingizids-Christians. - M., “Lenom”, 1998 -p.112.
7. Gumilyov L.N. Ancient turks. M. Nauka, 1967. -p.504.
8. Ismoilov U.K (2020). The people of Uzbekistan are a multi-ethnic tolerant nation. "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 7. -pp. 525-530.
9. Ismoilov U.K (2020) Democratic reforms in Uzbekistan and religious tolerance of our people. Looking history, 10 (3), -p. 11-18.
10. Ismoilov UK (2020). The people of Uzbekistan are a multi-ethnic tolerance nation. "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 7. -pp. 525-530.